

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

*60711600- Интеллектуал муҳандислик тизимлари  
(автомобиль транспорт) бакалавриат таълим йўналишининг  
малака талаблари*

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат транспорт университети.

## **2.ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202<sup>1</sup> йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202<sup>1</sup> йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **3.ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти, Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

|        |  |   |
|--------|--|---|
| 1.     | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....                                   | 4 |
| 1.1.   | Кўлланиш соҳаси.....   | 4 |
| 1.1.1. | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....                                     | 4 |
| 1.1.2. | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....  | 4 |
| 1.2    | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....                 | 4 |
| 1.2.1. | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....                   | 4 |
| 1.2.2. | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....              | 5 |
| 1.2.3. | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....                 | 5 |
| 1.2.4. | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i><br>таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....                          | 5 |
| 2.     | <i>60711600- Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорт)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 6 |
| 2.1.   | Умумий компетенциялар.....   | 6 |
| 2.2.   | Касбий компетенциялар.....   | 7 |
|        | Библиографик маълумотлар.....  | 8 |
|        | Келишув вараги   | 9 |

## **1. 60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмuinи ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитауриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2.60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

#### **1.2.1.60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорти)** – “Мұхандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспорти соҳасини ривожлантириш, истиқболини белгилашга ҳамда хизматлар жараённада интеллектуал мұхандислик тизимларини кўллаш; автомобиль транспортидан фойдаланиш сарф харажатларни камайтириш, автотранспорт воситалари эксплуатациян самарадорлигини ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорті) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлары:**

- транспорт соҳаси корхоналарида бошқарувга интеллектуал тизимларни құллаш ва транспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнлари;
- жамоат транспортида интеллектуал тизимларни қўллаш орқали унинг жозибадорлигини ошириш жараёнлари;
- автомобиль ишлаб чиқаришда ва ундан фойдаланишда унинг борт ахборот тизимларини такомиллаштириш ва хавфсизлигини ошириш жараёнлари;
- мутахассислигига оид меъёрий-хукуқий хужжатлар яратиш жараёнлари;
- транспорт инфратузилмасида бошқарув ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграциясини таъминлаш жараёнлари;
- автомобиль транспорти ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, интеллектуал мұхандислик тизимларини қўллаган ҳолда бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари.

*Йұналиши бүйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларидан қўшиимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшиимча ва ўзгаришлар муайян таълим йұналишининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олинини назарда тутилади.*

**60711600 - Йўл ҳаракатини ташкил этиши таълим йұналиши бүйича бакалавриат битиравчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш хукуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йұналишлари бундан мустасно.**

**1.2.3.60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорті) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш фаолияти;
- эксплуатация ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

**1.2.4. 60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорті) таълим йұналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*60711600-Интеллектуал мұхандислик тизимлари (автомобиль транспорті) таълим йұналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битиравчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:*

**Илмий тадқиқот фаолиятида:**

- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларда фаол иштирок этиш;
- автомобиль транспорти эксплуатациясини тадқиқ қилишда интеллектуал мұхандислик тизимларини қўллай олиш;
- автомобиль транспорти эксплуатацияси соҳасидаги хорижий ва маҳсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;
- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишида қатнашиш;

- замонавий мавзулар (топшириқлар) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- автотранспорт воситалари ва технологик жихозларга техник сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари технологияси, техник воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини хисоблаш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиши қобилиятига эга бўлиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазасига, ёнғинга, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш.

#### **Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиши қобилиятига эга бўлиш;
- транспорт соҳаси корхоналарида бошқарувга интеллектуал тизимларни қўллаш ва транспортдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- жамоат транспортида интеллектуал тизимларни қўллаш орқали унинг жозибадорлигини ошириш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш ва бошқариш;
- йўл ҳаракати жараёнларини моделлаштириш;
- автомобиль ишлаб чиқаришда ва ундан фойдаланишда унинг борт ахборот тизимларини такомиллаштириш ва хавфсизлигини ошириш.

#### **Эксплуатация ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, борт ахборот тизимлари ҳамда технологик жиҳозлари конструкциясини билиш ва улардан самарали фойдаланиш;
- жаҳон тажрибалари асосида автомобиль транспорти эксплуатациясида ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган тизимларни қўллаш;
- транспорт инфратузилмасида бошқарув ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграциясини таъминлаш;
- жамоат транспортида интеллектуал тизимларни қўллаш орқали унинг жозибадорлигини ошириш;
- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш бўйича ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича методика ва тадбирларни билиш;
- автомобиль транспорти эксплуатациясида интеллектуал муҳандислик тизимларини қўллаш орқали унинг атроф-мухитга заарини камайтириш;
- ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда интеллектуал муҳандислик тизимларини қўллаш.

### **2. 60711600- Интеллектуал муҳандислик тизимлари (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар мөхиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустакил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқуқий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- автомобиль транспортида хизмат кўрсатишни оптималлаштиришда интеллектуал муҳандислик тизимларни қўллаш;

- лойихалар, шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- автомобиль транспортида қўлланиладиган борт-ахборот тизимлари, транспорт инфраструктураларини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- автомобиль транспорти хизматларидан фойдаланишда, уларнинг самарасини оширишда телематикани қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

- транспорт жараёнларини моделлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- соҳа бўйича илфор статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар ва интеллектуал муҳандислик тизимларини уйғунликда қўллаш кўникмасига эга бўлиш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, илмий-тадқиқот, интеллектуал муҳандислик тизимларни, ахборот-коммуникацион технологиялар, транспорт жараёнларини моделлаштириш, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш, борт-ахборот тизимлар, телематика, автомобиль транспорти хизматлари, транспорт инфраструктуралари, ишлаб чиқариш жараёнлари, статистик маълумотлар, ташиш жараёнларини бошқариш, транспорт тизимлари, жараёнларни моделлаштириш, компьютер технологияларида моделлаштириш, интеллектуал транспорт тизимлари, автомобиль транспортида телематика.

# КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

## ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил «»

М.ў.

## КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси  
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари А.Муминов

А.Муминов

202 йил «»

М.ў.



Директор в.б. 

М.Эсонов

202 йил «»

М.ў.

Транспорт ва логистикани  
ривожлантириш муаммоларини ўрганиш  
маркази

И.Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Директор 

М.Абидов



М.ў.

202 йил «»

Ректор 

С.Турабджанов

202 йил «»

